

Meros

№ 2/2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Каримова С. Абу Райҳон Беруний “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” асари форсча таржимасининг қўлёзмалари ҳақида..... 3
Абдуҳалимов Б. Образцы залоговых документов из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 11
Тошов Н. Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” ва Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асарлари қиёсий тадқиқи 16
Бўриев О. Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма..... 26
Якубов Қ. Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили ……..... 30

ТАРИХШУНОСИК

Алимова Д. Некоторые вопросы историографии социально-экономических отношений древнего и античного периодов Узбекистана..... 45
Абдурасулов Х. Мясная торговля в Туркестанском генерал-губернаторстве во второй половине XIX – в начале XX века 59

АРХЕОЛОГИЯ

Шомукарамова Ф. Тасодифий топилмалар – Туркистон археологиясининг дебочаси..... 69

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ходжаева Р. Аллома Имом Замахшарий мақомаларининг маънавий-эстетик хусусияти ва тарбиявий аҳамияти..... 82
Эшонова С., Зокирова Д. Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида 88

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Конфуцианские традиции в Южно-Корейском обществе..... 100
Каримова Н. «Сиюй шуйдао цзи» Сюй Суна, как особый вид сочинений по исторической географии Центральной Азии второй половины XVIII века 108
Акрамова Ш. Стратегия Дэн Сяопина по модернизации Китая 117

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
Илмий кенгашининг 2022 йил 26 октябрдаги 6-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

--.--.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 8,25. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: -- . ЎзРФА “Фан” нашриётида нашр этилди.

reasons. In particular, it is shown that, although Rashid ad-Din outlined the circumstances of the conquest of the state of the Khorezmshahs by the Mongols relying on Juvaini, he made some additions that may serve as an argument in favor of the fact that these parts of “Jami‘ at-tavarikh” were not written by Rashid ad- Din but one of his assistants.

Key words: *Jami‘ at-tavarikh, Juvaini, compilation, sources, Mongols, Rashid ad-Din, Tarikh-i jahangusha, state of the Khorezmshahs-Anushteginids.*

О. Бўриев

Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари асосий фондида Амир Хусрав Деҳлавий (тўла исми Яминиддин Абулҳасан; 1253, Патёли, ҳозирги Уттар-Прадеш штатининг Итова округи – 1325.27.9, Деҳли) қаламига мансуб “Хамса” асарининг машҳур шоир Ҳофиз Шерозий (1325–1388) томонидан кўчирилган қўлёзмаси мавжуд. У тарихимизда маърифатпарвар, тарихий илмлар билимдони, хаттот ва нодир қадимий қўлёзмаларни йиғиб, асраб-авайлаб келган маънавиятимизнинг фидойиларидан бўлган Шарифжон Махдум Садр Зиё (1867–1931) кутубхонасига тегишли. Қўлёзма ҳозирги вақтда ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади (инв. № 2179).

Амир Хусрав Деҳлавий – шоир ва адабиётшунос олим. Отаси Сайфиддин Маҳмуд асли Кешдан бўлиб, мўғуллар истилоси даврида Ҳиндистонга кўчган, Деҳли султонларидан Шамсиддин Элтутмиш (1211–1236) унга амирлик унвонини берган. Сайфиддин Маҳмуд Ҳиндистонда мўғулларга қарши жангларда ҳалок бўлган (1261 й.). Бобоси Имод ал-мулк невараси Хусравни саккиз ёшидан тасаввуф шайхи Низомиддин Авлиё хизматига беради ва у авлиёдан ўқиш ва ёзиш билан бирга, шеърият сабоқларини ҳам ўрганади. Хусрав Деҳлавий кейинчалик Деҳли султонлари хизматига ўтади, юқори мансабларга эришади. Шеърият соҳасида Саъдий Шерозий (1210–1292) ижодидан унумли фойдаланиб, кўплаб шеърий девонлар яратади.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Амир Хусрав Деҳлавий қаламига мансуб асарларнинг анчагина қўлёзмалари сақланади ва улар Институт каталоги жилдларида, асосан, иккинчи ва қисман қолган жилдларида (алоҳида асарлар ёки лавҳалар шаклида)

тавсифланган [1: 113–127], орасида қадимийлари ҳам бор. Жумладан, шоирнинг куллиёти (инв. №178), тахм. XIV аср; шеърлар девони (инв. №2219), 902/1497 йилда кўчирилган; “Хамса” (инв. №2179) 756/1355 йилда кўчирилган.

Ушбу “Хамса”дан (инв. №2179) Амир Хусрав Деҳлавийнинг бешта асари ўрин олган: “Матлаъ ал-анвор” (вв. 1*б*–38*а*), “Ширин ва Хусрав” (вв. 39*б*–83*б*), “Ойинаи Искандарий” (вв. 84*б*–130*б*), “Мажнун ва Лайли” (вв. 131*а*–159*а*), “Ҳашт беҳишт” (вв. 160*б*–195*б*). Лекин бу тартиб “Хамса”нинг мавжуд қўлёзмаларида ўзгариб туради. Масалан, ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари асосий фондидаги инв. № 5521 қўлёзмада берилган “Хамса”да бешта достон қуйидаги тартибда ўрин олган: “Матлаъ ал-анвор” (вв. 1*а*–30*а*), Мажнун ва Лайли” (вв. 30*б*–61*б*), “Ҳашт беҳишт” (вв. 62*а*–102*б*) “Ширин ва Хусрав” (вв. 103*а*–144*б*), “Ойинаи Искандарий” (вв. 145*а*–196*б*) [2: 223].

“Хамса” достони Хусрав Деҳлавий томонидан 1298-1302 йиллар оралиғида ёзилган. Жумладан: “Хамса”нинг “Матлаъ ал-анвор”, “Ширин ва Хусрав”, “Мажнун ва Лайли” достонлари 698 (1298), “Ойинаи Искандарий” достони 699 (1299) ва “Ҳашт беҳишт” достони 701/1301–02 йилларда ёзиб тугатилган.

Юқорида қайд этилган қўлёзма инв. № 2179 да санаб ўтилган асарлардан учтаси – “Ширин ва Хусрав”, “Ойинаи Искандарий”, “Ҳашт беҳишт” тўла-тўкис Ҳофиз Шерозий томонидан кўчирилган. Проф. А.Семенов мазкур иккинчи том учун ёзган сўзбошисида Амир Хусрав Деҳлавий “Хамса”синиг юқорида қайд этилган қўлёзмаси (қўлёзма инв. № 2179) Ҳофиз Шерозийнинг автографи эканлигини 1951 йилда биринчи бўлиб эълон қилган олим саналади [2: 9]. 1975 йили Қ. Муниров ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган Амир Хусрав Деҳлавий қаламига мансуб асарларнинг қўлёзмаларини “Амир Хусрав Деҳлавий қўлёзма асарлари каталоги” номли рисоласида тавсифлаб (жами 48 та), А. Семеновнинг қўлёзма автографлиги тўғрисидаги юқоридаги фикрини тасдиқлаган [3: 10].

“Хамса”нинг инв. № 2179 даги қўлёзмасида берилган бешта достоннинг уларда қайд этилган кўчирилган вақтида ойларда қисман фарқлар бор; бевосита Ҳофиз Шерозий дастхати сифатида кўрсатилган достонлар ичида вақт жиҳатдан дастлабки кўчирилгани “Ойинаи Искандарий” достонига тўғри келади – 24 сафар 756/ 10 март 1355 йил, ундан кейинги кўчирилгани “Ҳашт беҳишт”достони – 16 раби II 756/ 30 апрель 1355 йил ва сўнгида кўчирилгани “Ширин ва Хусрав”достони – 13 жумада I 756/26 май 1355 йил. Ушбу қўлёзмада

биринчи ўринда турган “Матлаъ ал-анвор” достони ҳам “Ширин ва Хусрав” достони билан бир пайтда кўчирилган, яъни 13 жумада I 756/ 26 май 1355 йил, лекин унинг котиби бошқа шахс – Аҳмад ибн Вали ибн Абдуллоҳ аш-Шерозий деб кўрсатилган. Мазкур қўлёзмадаги “Мажнун ва Лайли” достони охирида унинг кўчирилган вақти ва котибнинг исми ёзилмаган, хати ҳам бир оз оддийроқ.

Қўлёзмадаги юқорида қайд этилган учта достон охирида колофонда уни кўчирган котибнинг исми “Ойинаи Искандарий” ва “Ҳашт беҳишт” достонлари охирида “Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳофиз Шерозий” ва “Ширин ва Хусрав”достони охирида “Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Шамс ал-Ҳофиз” шаклларда берилган.

Ушбу кўчирилган санаси бўйича қадимий ҳисобланувчи қўлёзма араб ёзувининг қадимги турлари – *насх* ва *сулс* ёзувларининг қоришмасидан таркиб топган. Биринчи варақнинг олд томонида чизилган доирасимон нақш таркибидаги кичик доиралар ичида Низомий Ганжавий қаламига мансуб “Панж ганж” (“Хамса”)даги бешта достоннинг номлари (“Махзан ал-асрор”, “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Ҳафт пайкар”, “Искандарнома”) ёзилган. Қўлёзманинг қоғози қалин, сифатли, зич, силлиқланган. Қадимги муқоваси сақланмаган, мавжуд муқова янги, кейинги даврларга тегишли; устига қизил духобадан жилд кийгизилган.

Юқоридаги таҳлилга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, Хусрав Деҳлавий “Хамса”си (инв. № 2179) қўлёзмаси қадимийлигини асословчи бир нечта омиллар бор. Аввало, қўлёзманинг ўзидаги учта достон охиридаги колофонда кўчирилган сана қайд этилгани бўлса, иккинчидан, ушбу қўлёзмани кўчирган котиб исми Ҳофиз Шерозий деб кўрсатилганидир. Учинчидан, хат услуби, аниқроғи қўлёзма матни *насх* ва *сулс* ёзувлари қоришмасидан иборат ёзувдалигидир. Мазкур қўлёзмани тавсифлаган ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг таниқли олимлари уни Ҳофиз Шерозий автографи деб тасдиқлаганлари ҳам дастхатлик учун асос бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Собрание восточных рукописей Академии Наук УзССР. / Под редакцией и участии проф. А.А. Семенова. Т.II. Ташкент, 1951.
2. Собрание восточных рукописей Академии Наук УзССР. / Под редакцией и при участии проф. А.А. Семенова и Д.Г.Воро-новского. Т. VI. Ташкент, 1963.

3. Муниров Қ. Амир Хусрав Деҳлавий асарларининг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалари. Тошкент, 1975.

О. Бўриев

Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма

Мазкур мақолада таниқли шоир ва олим Амир Хусрав Деҳлавий “Хамса” достони қўлёзмасидаги Ҳофиз Шерозий томонидан кўчирилган автограф асарлар таҳлили берилган (қўлёзма Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади). Ундан ўқувчилар тақдим этилган қўлёзма маънвиятимиз дарғаларидан бўлмиш Садр Зиё томонидан сақлангани, унинг таркиби, қадимийлик санаси, автографлиги тўғрисидаги далиллар, ушбу мажмуа матнининг хат услуби насх ва сулс ёзувларида эканлиги, котиб ҳақида қайдлар, матн ёзилган қоғоз ва асар муқоваси ҳақида маълумот оладилар.

Калит сўзлар: *Шарқ қўлёзмалари, автограф асарлар, қоғоз, хат услуби, қадимий қўлёзмалар, форсий назм асарлар.*

А. Буриев

Древнейшая рукопись в автографе Хафиза Ширази

В статье приводятся сведения о сочинениях, помещенных в рукопись “Хамса” Амира Хусрава Дехлави, переписанные знаменитым персидским поэтом Хафизом Ширази (данная рукопись хранится в фонде Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз). В ней читатели получают сведения об известном представителе духовной культуры Садре Зиё, коллекции которого принадлежит и данная рукопись, о древности даты ее и сведения о ней, как об автографе, о почерке текста рукописи – *насх* и *сулс*, а также сведения о переписчике, бумаге, на которой написан текст, о переплете рукописи.

Ключевые слова: *Восточные рукописи, сочинения автографы, бумага, почерк, древние рукописи, поэтические сочинения на персидском языке.*

A. Buriyev

The most ancient manuscript in the autograph of Hafiz Shirazi

The article provides information about the writings placed in the manuscript "Khamsa" by Amir Khusraw Dehlavi, rewritten by the famous Persian poet Hafiz Shirazi (this manuscript is kept in the fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Raykhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan). In it, readers receive information about Sadr Ziyo, a well-known representative of spiritual culture, whose collection this manuscript belongs to, the antiquity of its date and information about it as an autograph, the handwriting of the manuscript: naskh and suls, as well as information about the copyist, the paper on which the text was written and the binding.

Key words: *Oriental manuscripts, writings autographs, paper, handwriting, ancient manuscripts, poetic compositions in Persian.*

Қ. Якубов

Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили

Фатво ҳужжатлари Хива хонлиги ҳуқуқ тизими ва қозилик амалиёти тарихини ёритувчи бирламчи манбалар сирасига киради. Мазкур турдаги тарихий ҳужжат минтақада *ривоят*[1] номи остида машҳур бўлиб, у Ислом ҳуқуқшунослиги соҳасидаги мутахассис – *муфтий* томонидан муайян (одатда мураккаб ва баҳсли) масала бўйича чиқарилган ҳукмни акс эттирган. Ўз навбатида, кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қатори минтақа вақф мулкчилигининг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишда ҳам бу турдаги тарихий ҳужжатлар муҳим ва қимматлидир.

Мақола доирасида Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган вақф масаласига оид фатво ҳужжатининг манбавий таҳлили ҳамда у орқали Хива хонлигида вақф таъсис этиш ҳақидаги ҳужжат – *вақфнома*ни қайта тиклаш тартибига эътибор қаратилади. Мақола таркибий жиҳатдан уч қисмдан иборат бўлиб, аввалги қисмда муаммонинг баъзи жиҳатларини ёритувчи адабиётлар таҳлили

[1] “Ривоят” ва “фатво” ўртасида кичик бир фарқ мавжуд бўлиб, ҳукм лойиҳаси ҳисобланган “ривоят” муфтий томонидан муҳр орқали тасдиқлангандан кейингина “фатво” номини олган. Қаранг: [18: 15].